

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.03/30.12.2019.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ НУКУС ФИЛИАЛИ

КУННАЗАРОВА ШОЛПАНАЙ МАХСЕТБАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ВА
ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАҲЛИЛИ**

10.00.03 – Қорақалпоқ тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**
**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Кунназарова Шолпанай Махсетбаевна Қорақалпоқ халқ эртакларининг лексик-семантик ва лингвомаданий таҳлили.....	3
Кунназарова Шолпанай Махсетбаевна Лексико-семантический и лингвокультурный анализ каракалпакских народных сказок.....	24
Kunnazarova Sholpanay Maxsetbaevna Lexical-semantic and linguocultural analysis of Karakalpak folk tales.....	45
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	49

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.03/30.12.2019.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ НУКУС ФИЛИАЛИ

КУННАЗАРОВА ШОЛПАНАЙ МАХСЕТБАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ВА
ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАҲЛИЛИ**

10.00.03 – Қорақалпоқ тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/FH719 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.karsu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Абдиназимов Шамшетдин Нажимович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Қудайбергенов Мамбеткерим Сарсенбаевич филология фанлари доктори, профессор Диланов Бекмурза Гулимбетович филология фанлари номзоди
Етакчи муассаса:	Бухоро давлат университети

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги DSc/PhD.03/30.12.2019.Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «16» март кунини соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдилов кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25, email: karsu_info@edu.uz)

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (20 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдилов кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25

Диссертация автореферати 2021 йил «6» март кунини тарқатилди.
(2021 йил «6» март даги 2 рақамли реестр баённомаси).



К.Алламбергенов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси в.в.б., филол.ф.д., профессор

Г.Е.Карлыбаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.д. (DSc)

М.С.Қудайбергенов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида сўнги вақтлари тил фақат структуравий томондан эмас, балки тилдаги сўзларнинг ички формаси, яъни семантикасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Антропоцентристик парадигма, когнитив лингвистика, лингвокультурология йўналишлари тез суръатда ривожланиб, бадиий матнни комплекс ўрганиш тенденциялари такомиллаштирилмоқда. Лугат таркиби ва сўз маъноларининг функционал-семантик хусусиятларини ўрганиш натижасида халқ оғзаки ижоди тилини ўрганишнинг аҳамияти асосланди. Қорақалпоқ тилшунослигида бадиий асар тили, айниқса, халқ оғзаки ижоди тилини ўрганишнинг лингвофольклористиканинг шаклланиши билан эртақлар тилининг лексик-семантик хусусиятларини тадқиқ қилиш зарурати юзага келди.

Дунё тилшунослигида прагмалингвистика, лингвопоэтика ва лингвокультурология йўналишидаги тадқиқотлар пайдо бўлиши билан бадиий асар тилининг назарий муаммолари, шу жумладан, халқ эртақлари тилининг лексик-семантик хусусиятлари ва лингвомаданий таҳлили масаласи ўз ечимини кутаётган масалалардан бирига айланди. Тилшуносликда шаклланган илмий-назарий концепциялар асосида қорақалпоқ лингвофольклористикасини ривожлантириш, айниқса, халқ эртақлари тилининг тадқиқ этилмаган жиҳатларини ўрганиш ҳозирги қорақалпоқ тилшунослигида долзарб аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида миллий кадриятларимизнинг қайта тикланиши халқимизнинг маънавий дунёсини ўзида акс эттирган она тилимизни ривожлантириш ва унинг жамиятда қўлланиш даражасини янада кенгайтиришга олиб келди. Жумладан, «миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, улуг кадрият... миллат маънавиятининг мустаҳкам пойдевори»¹ ҳисобланган она тилимизни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шунингдек, халқ оғзаки эртақлари тилининг лексик-семантик ва лингвомаданий жиҳатларини таҳлил қилиш каби ишлар долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 4 октябрдаги ПФ-4479-сонли «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги Қарори ва 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сонли «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 16

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли // Халқ сўзи. – Тошкент, 2019 йил, 22 октябрь. - № 218 (7448). – Б. 1-2.

октябрдаги Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгаши Президиумининг «Давлат тили ҳақида»ги Қорақалпоғистон Республикаси Низоми қабул қилинганининг 30 йиллигига тайёрлик кўриш ва уни ўтказишни ташкил этиш тадбирларига боғлиқ 584-сонли Қарори, 2020 йил 3 ноябрдаги 135-сонли Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгаши Президиумининг «Қорақалпоқ тилининг давлат тили сифатидаги мавқеи ва ўрнини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш инновацион иқтисодиётни шакллантириш устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида халқ оғзаки эртаклари тилининг лексик хусусиятлари анча чуқур ўрганилган². Рус тилшунослигида халқ эртаклари тили ҳар томонлама ўрганилганлигини илмий манбалардан кузатиш мумкин³. Кўпгина туркий тилларда халқ эртаклари тилининг лексик-семантик хусусиятлари кенг ўрганилиб, ушбу ижод маҳсули тилининг адабий тилдан фарқли белгилари аниқланган⁴. Сўнгги йилларда бадий матн, айниқса халқ эртакларининг лингвомаданий таҳлилига оид тадқиқотлар пайдо бўлди⁵.

² Шабанова Е.В. Семантика и функции языковых средств выражения модальных категорий приказа, просьбы, совета в тексте французской народной сказки: Дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 2000. – 130 с.; Шевчук С.В. Семантико-синтаксическая структура сложноподчинённых предложений с придаточными временными в украинской народной сказке: Дис. ... канд. филол. наук. – Киев, 1990. – 156 с.; Баканова А.В. Особенности языка испанских народных сказок: Дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 2006. – 250 с.; Бураева Т.В. Язык калмыцких народных сказок (на материале «Калмыцких сказок» Г. И. Рамстедта): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Элиста, 2006. – 24 с.

³ Разумова И. А. Стилистическая обрядность русской волшебной сказки. – Петрозаводск: Карелия, 1991. – 163 с.; Ян Кэ. Лингвостилистический и лингвострановедческий анализ русских народных волшебных сказок: Дис. ... канд. филол. наук. – Казань, 1995. – 160 с.; Совбанова В.И. Лексико-семантические микросистема глаголов передачи в языке великорусских сказок: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Куйбышев, 1975. – 22 с.

⁴ Кульсарина Г.Г. Язык и стиль башкирских народных сказок: Дис. ... канд. филол. наук. – Уфа, 2004. – 156 с.; Абдуллабекова У.Б. Язык и стиль кумыкских народных сказок: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 2013. – 21 с.; Досанов Н. Ўзбек халқ эртаклари тилида аниқловчилар: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 1994. – 26 с.; Цыренов Б.Д. Язык бурятских народных сказок: Дис. ... канд. филол. наук. – Улан-Удэ, 2001. – 182 с.; Керимбаева З. Традиционные языковые средства казахских народных сказок: Дис. ... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1989. – 246 с.; Жураев М. Магические числа в узбекских народных сказках: Дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1987. – 160 с.

⁵ Тройская О.Н. Языковая картина мира немецкой народной сказки: Дис. ... канд. филол. наук. – СПб., 1998. – 440 с.; Салихов Г.Г. Картина мира в башкирском фольклоре: Дис. ... канд. филол. наук. – Уфа, 1992. – 184 с.; Акименко Н.А. Лингвокультурные характеристики английского сказочного дискурса: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 2005. – 21 с.; Ловпаче А.Н. Языковые особенности народных сказок о животных в адыгской лингвокультуре// Вестник Адыгейского университета. – Майкоп, 2010. - №3. – С. 157-161; Абдусаламова А.З. Сравнительные конструкции в русских и аварских фольклорных текстах: Дис. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 2016. – 166 с.

Қорақалпоқ тилида халқ эртақларини ўрганишга оид баъзи тадқиқотлар адабиётшунослик ва педагогика фани йўналишларида кўзга ташланади⁶. Лингвистик йўналишда эса қорақалпоқ халқ эртақлари тилининг ўзига хос хусусиятлари, лексемаларнинг функционал-семантик вазифаси ва лингвомаданий таҳлили ҳар томонлама ўрганилмасдан келаётган масалалардан биридир. Сўнгги вақтларда қорақалпоқ тилида тилни лингвомаданий йўналишда ўрганиш бўйича бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Таъкидлаб айтиш мумкинки, лингвомаданиятшунослик йўналишининг илмий-назарий масаласи ва қорақалпоқ дostonларидаги топонимларнинг лингвомаданий таҳлиliga бағишланган ўқув қўлланма⁷, фразеологизмларнинг лингвомаданий ва антропоцентристик хусусиятига оид тадқиқот иши⁸, қорақалпоқ фольклорига киши номлари⁹, топонимлар¹⁰, зоонимларнинг лингвомаданий хусусиятлари¹¹ бўйича баъзи мақолалар мавжуд.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ҳозирги филология илмида ўзаро алоқа масаласи» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қорақалпоқ халқ эртақлари тилининг лексик-семантик хусусиятларини аниқлаш, эртақлар тилидаги халқнинг урф-одат ва анъаналарини лингвомаданий аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

туркий ва қорақалпоқ тилшунослигида эртақлар тилининг тадқиқи, эртақлар тили лексикасининг генеологик қатламларини аниқлаш ва шу орқали асар тилидаги туркий, форс-тожик, араб, шунингдек, қардош туркий тиллардан кириб келган, рус тили ва у орқали бошқа тиллардан ўзлашган сўзларнинг қўлланиш чегараси ва миқдорини белгилаш;

эртақлар тили лексикасини семантик гуруҳларга ажратиш, парадигматик муносабатдаги бирликларга аниқлик киритиш, қўлланиш даражасига кўра кам

⁶ Өтениязов П. Қарақалпақ халық ертеклеринде тарийхый дереклер// Қубла Аралбойы археологиясы, этнографиясы, тарийхы хэм тарийхтаныўдың актуал мәселелери: Республикалық илимий теориялық халықаралық конференция. – Нөкис, 2016. – Б. 386-387; Сайтова З. Англичан хэм карақалпақ фольклорында ертеклердин әдебий жанр сыпатында кәлиплесиўиниң салыстырмалы үйренилиўиндеги айырым мәселелери// Илим хэм жәмийет. – Нөкис, 2016. – № 1. – Б. 49-51; Бекимбетова Г. Мектепке шекемги дәўирдеги балалар тәрбиясында ертеклердин әҳмийети // Устное народное творчество в системе национальных и общечеловеческих ценностей: Республикалық илимий теориялық халықаралық конференция. – Нөкис, 2015. – Б. 145-146; Наимова З. «Первотолчок» карақалпақские народные сказки// Балтийский гуманитарный журнал. – Калининград, 2016. – Т. 5. – № 3 (16). – С. 64-65.

⁷ Abdimazimov Sh., Tohibayev X. Lingvokulturologiya. – Nökis: Qaraqalpaqstan, 2020.

⁸ Пирниязова А.К. Қорақалпоқ тили фразеологик системаси ва унинг стилистик имкониятлари: Филол. фан. док. (DSc)... дис.. – Нукус, 2020.

⁹ Даниярова З. Қарақалпақ тилиндеги адам атларының лингвокультурологиялық анализи// Бердақ атындағы ҚМУ Хабаршысы. – Нөкис, 2018. – № 4. – Б. 133-136.

¹⁰ Тольбаев Х. Топоним – халық дүньятаньмының фольклордағы сәўлелениў формасы // Бердақ атындағы ҚМУ Хабаршысы. – Нөкис, 2018. – № 3. – Б. 170-172.

¹¹ Искендерова Э. Қорақалпоқ тилида жониворларга боглик эвфемизмларнинг лингвокультурологик таҳлили // Тамаддун нури. – Беруний, 2020. – №3. – Б. 38-42.

қўлланадиган ва қўлланиш доирасига кўра функционал-чегараланган лексика бўйича илмий таҳлил қилиш;

қорақалпоқ эртақлари тилининг илмий манбаларини шарҳлаш ва қорақалпоқ халқининг миллий менталитетига хос лингвомаданий тушунчаларнинг метафоризациясини аниқлаш;

халқ урф-одағ ва анъаналари атамаларини тематик жиҳатдан гуруҳлаштириб, эртақлар лексикасидаги этнографизмлар асосида лингвомаданий хусусиятларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида халқ эртақларининг нашр этилган нусхалари –Қорақалпоқ фольклорининг 1-2 жилди (1977), Қорақалпоқ халқ эртақлари (1997), Қорақалпоқ фольклори 100 жылдигининг 67-76 жилди (2014) танланган.

Тадқиқотнинг предметини қорақалпоқ халқ эртақлари тилининг лексик қатлами, эртақлар лексикасидаги этнографизмлар орқали лингвомаданий ҳамда лингвостилистик хусусиятларини очиб бериш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда диахрон ва синхрон усул, этимологик, киёсий-тарихий тавсифлаш, баёнлаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ халқ эртақлари тили махсус лингвистик йўналишда кенг ўрганилиб, эртақлар тилининг луғат таркиби аниқланган, сўзлар мавзувий гуруҳларга ажратилган ва маъно хусусиятлари аниқланган;

эртақлар тилининг генеологик қатламлари - умумтуркий, араб, форс-тожик тилларидан ўзлашган сўзлар аниқланган ва лексик қатламларнинг тарихий-этимологик асоси миллий анъаналарга бориб тақалиши исботланган;

эртақларнинг бадиийлигини таъминлаган парадигматик муносабатдаги сўзлар - антоним, омоним, синоним ва кўп маъноли сўзларнинг маъно хусусиятлари очиб берилган, қўлланиш даражасига кўра кам қўлланадиган ва қўлланиш доирасига кўра функционал-чегараланган лексикада диалектал, касбий сўзлар, табу ва эвфемизмлар аниқланган;

эртақлар тилидаги оламнинг лисоний картинаси, қорақалпоқ халқига хос объектив дунёни кўриш, сезиш ва қабул қилишдаги миллий менталитетга хос метафоризация ходисаси аниқланган, эртақлар лексикасидаги этнографизмларнинг лингвомаданий хусусиятлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ эртақлари тили бўйича таҳлил қилинган материаллар, кўйилган илмий муаммони илмий таҳлил қилиш натижасида келтирилган илмий хулосалар, далиллар ва фикрлар ҳозирги қорақалпоқ тилшунослиги, шу жумладан лексикология, лингвокультурология, лингвофольклористика соҳалари учун муҳим илмий маълумотлар кўрсатилган;

эртақлар тилининг ўз луғат қатлами ва ўзлашма сўзларнинг бир тилдан иккинчи тилга ўтиш жараёнининг лингвистик тамойилларини очиб бериш натижасида олинган илмий хулосалар қорақалпоқ тили лексикологияси, лингвокультурологияси бўйича келгуси илмий тадқиқотларни амалга оширишда манба бўлиб хизмат қилиши, лексикография, тил тарихи,

семасиология, лингвокультурология, лингвофольклористика каби фанларни ўқитишда амалий ёрдам бериши ҳар томонлама далилланган;

эртаклар тилидаги лингвомаданий тушунчалар метафоризациясида қорақалпоқ халқининг миллий маданият белгилари ёритиб берилган;

қорақалпоқ халқ эртаклари тилини таҳлил қилиш натижалари эртаклар тилининг изоҳли луғати, этимологик луғатлар тузишда, қорақалпоқ тилшунослиги бўйича янги дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратишдаги амалий аҳамияти асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишни тайёрлаш жараёнида қўлланилган усуллар, назарий маълумотларнинг ишончли илмий манбалардан, мисолларнинг эртаклар матнидан олинганлиги, таҳлил ва хулосаларнинг тавсифий, баён қилиш, қиёсий, қиёсий-тарихий, тарихий методлар билан асосланганлиги, олинган натижаларнинг тегишли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация иши натижаларининг илмий аҳамияти қорақалпоқ лингвофольклористика соҳасига кўшилган ҳисса бўлиб, халқ оғзаки асарлари тилининг ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини, унинг, биринчидан, халқ сўзлашув тилига, иккинчидан, адабий тилга алоқасини аниқлашда асос вазифасини ўтайди, шунингдек, унда эришилган натижа ва хулосалар қорақалпоқ тили лингвофольклористикаси бўйича назарий асосларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертация натижаларидан таълим соҳасидаги барча филологик йўналишларда лингвофольклористика, лингвокультурология бўйича маърузалар, махсус курслар ўқишда, бадиий асар тилини, қорақалпоқ адабий тили тарихини ўрганишда, шунингдек тадқиқотда берилган лексемалардан қорақалпоқ эртаклари тилининг изоҳли ва этимологик луғатларини тузишда, шунингдек, илмий ходим ва тадқиқотчилар учун назарий ва амалий манба сифатида фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. Қорақалпоқ халқ эртакларини лексик-семантик ва лингвомаданий жиҳатдан тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қорақалпоқ эртаклари тилидаги лексемалар ва семемалар, ўзлашган қатлам бирликлари бўйича олинган илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-А1-Г003-рақамли «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 2 сентябрдаги 162/1-сон маълумотномаси). Натижада мазкур хулосалар қорақалпоқ тилининг луғат фондини систем таҳлил қилиш ва унинг лексик, семантик ва функциональ хусусиятларини аниқлашга хизмат қилган;

қорақалпоқ халқ эртаклари тилининг лексик-семантик хусусияти ва лингвомаданий таҳлили, парадигматик муносабатдаги сўзларнинг маъно хусусиятларига оид илмий-назарий қарашлардан Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг «Адабиёт бўстони», «Адабиёт ва давр», «Меърос»

эшиттиришлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2020 йил 3 сентябрдаги 01-02/167-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатув ва эшиттиришларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ҳамда янги манбалар билан бойитилган;

қорақалпоқ халқ эртаклари лексик таркибининг этимологиясини қиёсий-тарихий тадқиқ қилиш орқали олинган хулосалардан Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейида фольклорлик адабий мерослар бўйича ташкил этилган экспозицияларни мазмунан бойитишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси маданият вазирининг 2020 йил 3 сентябрдаги 2-04/1062-сон маълумотномаси). Натижада халқ эртакларидаги эскирган сўзлар, маиший турмушидаги касбий лексика ва этнографизмларнинг ментал хусусиятларини очиқ бериш имкони ярагилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 халқаро ва 13 республика илмий-амалий конференцияларида маъруза шаклида тақдим этилиб, апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 28та илмий иш нашр этилган бўлиб, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9та мақола, шундан 8та республика ва 1та хорижий журналда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 127 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети кўрсатилган, республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган илмий нашрлар ва диссертациянинг тузилишига оид маълумотлар акс этган.

Диссертациянинг «**Қорақалпоқ эртақлари тилининг лугат таркиби**» деб номланган биринчи боби икки қисмдан иборат. Унинг биринчи қисми «**Туркий сўзлар қатлами**» деб аталади. Бу қисмда ўз қатламга оид, инсон тана аъзолари ва қариндошлик муносабатини билдирувчи, маиший буюмлар билан боғлиқ сўзлар, антропоним, топоним ва этнонимлар, мол чорвачилиги, қушлар, ўсимликлар, хайвонот дунёси билан боғлиқ, вақт, ўлчов бирликлари, табиат ходисалари, коинот жисмлари, географик объектлар, ер ости бойликларини билдирадиган сўзлар тўғрисида маълумотлар берилган.

Эртақлар тили лексикасида ўз қатламга мансуб бир қанча сўзлар мавжуд. Жумладан *сойқан* – вайрон, уруш (ҚазТТС, Т.VIII, 318), *қаўырсын* – қуш қанотининг узун патлари (ҚазТТС, Т.VI, 171), шалыгыў – чарчамок (ДС. 696), *немере* – отадан санаганда учинчи авлод, неvara маъноларида ишлатилган (ҚазТТС, Т.VIII, 318). «Белли» сўзи белгили (ТРС, 87), *наҳар* сўзи таом, овқат (ТРС, 471) маъносини англатади. *Зореки* (362), *хантақта* (180), *тартыў* (саўга), (343), *наз-назмет* (358), *кэнде* (358) каби туркий сўзлар ҳам учрайди. Туркий тиллар учун муштарак сўзлар қардош халқларнинг ўзаро алоқаси натижасида бир тилдан иккинчи тилга ўтган. Бу ҳолат тил лексикасининг ривожланишида асосий манбалардан бири саналади.

«Ҳар бир тилнинг лугат таркибидаги энг қадимий қатламлардан бири инсон тана аъзолари номлари ҳисобланади»¹². Эртақлар тили лексикасида инсон аъзоларининг кўпгина номлари учрайди: *қолтық* (443), *қас-қабак* (443), *дәст* (179), *ая* (47), *эл* (358) ва бошқалар. *Ая* «ДЛТ»да *алақан* тарзида берилган. Бу сўз эртақда тургун бирикма таркибида учраб, литота тасвирида ишлатилган: Ол кеткеннен соң Жансапқа аспан *аядай*, жер тебингидей болып қалады (Жансап, 52).

Маиший буюмлар билан боғлиқ сўзлардан озиқ-овқат маъносидаги *тары* сўзи ҳозирги кунда фақат дон маҳсулотини англатади. Қадимда у экин экиладиган майдон, дон сочадиган дала маъносини ҳам ифодалаган. Ўша ерни ишловчи киши эса *тарышы* деб юритилган¹³. Демак, ҳозирги кунда *тары* сўзининг маъноси торайган. Кийим-кенчаклардан *сәўкеле* – келинчакнинг узатилишида киядиган бош кийими. ...мен сәўкеле кийген

¹² Абдиназимов Ш. Бердақ шығармаларының тили. – Нөкис, 2006. – Б. 171.

¹³ Хаков В.Х. Стилистика һәм сўз сәнғате. – Қазан: Китап, 1979. – Б. 113.

менен қайтып қыз болмаспан, оннанша қайта қор болмаў жағын ойлайық – деди («Отыншы баба», 305). *Ишик* сўзи тулкининг терисидан тикилган кийим маъносида ишлатилади. Сол тулкиниң жарты териси тоқсан үйли көшпели халықтың барлық адамына тоқсан *ишик* хәм бир-бир малақай шыгыпты («Өгиз баққан үш жигит», 110). «ДЛТ»да *ичук* – хайвонлар терисидан тикилган пўстин маъносини билдиради (ДЛТ, Т.ІІІ, 259). *Ишик* устки кийим маъносидан ташқари 1) сирилган кўрпа; 2) теридан тикилган кўлқоп; 3) кичкина тўшак; 4) от эгар-жабдуги остидаги тўшак маъноларини хам англатади (ЭТСЯ, 393-394).

Эртақлар тилида темирдан ҳар хил буюмлар ясада қўлланиладиган *көрик* (350), *шөккиш* (350), *сандал* (350), *балта* (223), лойдан буюм ясада *қумбыз* (374), пахтадан *газлама*, ип тайёрлашда *қозақ* (319), *уршық* (311), *пилте* (482), *келеп* (482), *сабаў* (482) каби мехнат куроллари номлари қўлланганлиги аниқланди. Темирчи асбобининг номи бўлган *көрик* сўзи «ДЛТ»да *кўрук* тарзида берилган (ДЛТ, 157).

Бундан ташқари эртақларда *қосбаў* (19), *сандық* (44), *сыпа* (44), *арша* (53), *гүзе* (317), *қум* (324), *тас табақ* (30), *кели* (39), *келсап* (39), *сипсе* (163), *қуман* (254), *мысқуман* (219), *кесе* (176), *қазан* (40), *қоржын* (49), *шелек* (36), *қаўға* (32), *аўыз қабақ* (196), *арба* (36), *суў қабақ* (162), *алаша* (152), *гилем* (194), *хантақта* (180), *мардан* (25), *бүйен* (247), *шанақ* (139), *қарын* (139), *шөмиш* (254), *пышақ* (254), *кесеў* (254), *тас шыра* (157), *ийне* (194), *ошақ* (442), *тебен* (322), *нон пиширадиган жарты қазан* (219), *тандыр* (82), *дигирман* (82) каби уй истемол буюмлари қўлланилган. *Гүзе* сўзи «ДЛТ»да *ыбырық* тарзида берилиб (ДЛТ, 53), бу диалектал сўз сифатида ҳозирги кунда хам истемолда қўлланади. Эртақларда қўлланган киши исмларидан айримлари ислом дини билан боглиқ ёки тарихий шахслар исмлари, баъзилари эса фақат эртақ тилигагина хос киши исмлари тарзида ишлатилади. 1. Исломи дини билан боглиқ ривоят ва хикоялардаги атоқли номлар: *Сулайман*, *Испандияр*, *Атамтай*, *Рустем*, *Зал*, *Рухатен*, *Қыдыр*. 2. Тарихий шахслар исмлари: *Ҳәким Улықпан*, *Искендер*, *Алдар көсе*, *Әмир Тағай*, *Темирий* ва ҳ. 3. Эртақ тилига хос атоқли исмлар: *Аққуўбай*, *Тўлкибай*, *Қыран*, *Айыўлы-Алпан*, *Баяўлы арыс*, *Арпамәдиян*, *Арық мерген*, *Гўдаршиша* ва бошқалар.

Эртақлар тилида қуйдаги топонимлар қўлланилган: *Мәкке*, *Мадина*, *Кәәба*, *Хорезм*, *Бухара*, *Тўркистан*, *Ҳиндистан*, *Самарқанд*, *Қытай*, *Шын*, *Мысыр*, *Иран*, *Қызыл*; микротопонимлар: *Хийўа*, *Қашқар*, *Үргенши*, *Чаржаў*, *Топатқан*, *Барсақелмес*, *Дарғаната*, *Гўрлен*, *Самирам*, *Шәмбил*, *Калкут*, *Гўлалы*, *Бәкирабат*, *Инжира*, *Бағдат*, *Қабыл*, *Рум*, *Ақсарай*, *Дәрбент*, *Торғайлы елат*, *Жанайбат қала*, *Жоқары*, *Төмен* (бу ўринда *Амударёнинг юқори ва қуйи оқимида жойлашқан ерлар назарда тутылган*); оронимлар: *Гөҳиқап таўы*, *Дербес таўы*, *Шымгенли таўы*, *Думанлы таўы*, *Шийшадағ таўы*, *Қайқап таў*, *Қоңыртаў*, *Жуўсанлы таў*; гидронимлар: *Шар дәрьясы*, *Әмиўдәрья*, *Сыр дәрья*, *Қызыл теңиз*, *Шын теңизи*, *туба*.

Эртақлар тилида «*тўркмен*», «*ҳинд*», «*араб*», «*қалмақ*» этнонимлари ишлатилган.

Эртақлар тилида мол чорвачилиги билан боглик *әреби ат* (299), *желмая* (324), *тоқлы* (369), *гунан* (332), *гашыр* (273), *нар* (388), *ешек* (223), *түйе* (109), *жылқы* (109), *атан* (39), *өгиз* (296), *қошқар* (111), *қозы* (286), *қой* (237), *ешки* (237), *ылақ* (237), *айғыр* (195), *құлын* (462), *байтал* (35), *инген* (39), *сыйыр* (278), *теке* (442), *тай* (37), *туўша* (287), *баспақ* (35), *тана* (35), *қашар* (134), *серке* (163) *боталақ* (163), *буға* (219), *қазақы ябы* (289), *алмаўыты байтал* (289), *бийе* (442), *исек* (554) каби сўзлар кўлланган. Булардан ташқари эртақда *қаршыға* (36), *суңқар* (36), *қырғауыл* (420), *гарға* (290), *зоңгарға* (290), *шымшық* (396), *кептер* (69), *бөдене* (164), *қарақус* (49), *тотықус* (191), *сүймурық* (169), *тырна* (484), *қуу* (151), *пәттек* (129), *хәкке* (75), *қырғый* (164), *үйрек* (164), *шайқус* (465), *қумай қус* (256), *лашын* (164), *газ* (167), *көгеришин* (179), *саўысқан* (480) каби куш номлари келтирилган.

Эртақлар тилида ўсимлик турларининг номлари: *алма* (45), *тут* (44), *шеңгел* (52), *тамыр* (56), *жапырақ* (61), *арпа* (58), *тикен* (83), *пишен* (486), *қаўын* (296) ва шу кабилар; пайт маъносини ифодаловчи сўзлар: *таң* (80), *түн* (64), *түс* (204), *жыл* (51), *кеш* (24), *геўгим* (378), *күн* (24), *күндиз* (60), *ай* (49) ва хоказо; ўлчов бирликлари: *қадақ* (157), *қарыс* (464), *қулаш* (543) ва бошқалар; табиат ҳодисалари билан боглик сўзлар: *булт* (462), *жаўын* (84), *даўыл* (84), *боран* (498), *суўық* (89), *шаң* (201), *самал* (202), *муз* (170), *қар* (498) ва бошқа сўзлар кўлланилган.

Биринчи бобнинг «**Ўзлашма сўзлар қатлами**» деб номланган иккинчи кисмида форс-тожик ва араб тилидан ўзлашган сўзлар билан бирга рус тили ва бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар ўрганилган. Форс-тожик тилидан ўзлашган сўзларнинг кўпчилиги ўзбек тилига бевосита ўзлаштирилган. Ўзбек тилидан қорақалпоқ тилига баъзиларининг фонетик таркиби ўзгартирилиб ўтган бўлса, баъзилари ўзгаришсиз қабул қилинган.

Ўрин-жой маъносидаги *шарбақ* сўзи форс тилидан ўзлашган бўлиб, тўрт бог, мевали бог, дам олиш боги маъноларини билдиради. Чорбог тўрт томони бог билан ўралган кошона ёки кўргон, тўрт томони девор билан ўралган бог; дала-ҳовли; кўпинча бойлар ва ҳокимларнинг ер-сувлари чорбог дейилган¹⁴. Қорақалпоқ тилида *шарбақ* икки маънони ифодалайди: 1. Қамишдан, юлгундан ёки лойдан қурилган усти очик кўра. 2. Бозор кунлари овулдан келган одамлар от-уловларини боглаб кўйиб, дам оладиган жой (ҚТТС, Т.П, 160).

Ижтимоий фарқни ифодаловчи *гўң* сўзи форс тилидан кириб келган бўлиб, соқов, тилдан қолган одам маъносини англатади¹⁵. ...кўйеў менен қызына жолландырыў ушын қырық *гўң*, қырық шорыны хызметкерлигине берип, жолга салып қоя берди («Өгей ана», 182). *Гўң* – шу маъносидан ташқари илмий ишларда эрки ўзида бўлмаган, эркисиз, қарши гапиришга хаки йўқ деган маънони ҳам ифодалаши қайд этилган¹⁶.

¹⁴ Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент, 2005. – Б. 40.

¹⁵ Бекбаулов О., Мамбетназаров Қ. Қажарманлық дэстанлардагы өзлестирме сөзлердин түсиниги. – Нөкис, 1992. – Б. 23.

¹⁶ Дәўлетова У. Қарақалпақ тилиндеги әскерий лексика: Филол. илим. канд. ... дис. – Нөкис, 1994. – Б. 112.

Тарихий келиб чиқишига кўра киши исмлари туркий, мўгул, хитой, араб-форс, рус ва бошқа хинд-европа тилларидан ҳам ўзлаштирилганлигини кузатиш мумкин¹⁷. Келиб чиқиши араб тилига хос киши исмларининг кўп қисмини пайгамбарлар ва диний тушунчалар билан боғлиқ киши исмлари ташкил этса-да, уларнинг баъзилари лугат таркибдаги туб сўзлар каби ҳозирги кунда фаол қўлланадиган лексик бирликлардан иборат. *Сулайман* антропоними эрамизгача I асрда яшаб, ўша даврдаги қудратли Исроил давлатининг подшоси бўлган киши исми бўлиб, унинг асоси Шеломо шаклига эга. Сўнгра Соломон деб юритилган. Араб тилида бу сўз фонетик ўзгаришга учраб, Сулаймон шаклига ўтган (ЎТЭЛ, Т. II, 394). Бу исм қушлар пайгамбари сифатида тасвирланган: Келип кебин таслаган ўақытта, ... *Сулайман пайгамбар* урсын дегенинше инанба. («Жансап», 50).

Диний тушунча ва қондалар билан боғлиқ араб тили сўзлари ҳам мавжуд: «*Тәпбетде*» - табақ, «*изажада*» - ылақ алып келесизлер деп, қыңқылдай бередиди («Үш балалы молла», 326). Қуръони Каримдаги «*мәсад*», «*насыр*», «*қуля*» суралари «тәббат» ва «изажа» сўзлари билан бошланади. Бу сўзлар суралардан олинган. XIX асрда чор Россиясининг Ўрта Осиё ерларига бостириб кириши билан қорақалпоқларнинг бир қисми бевосита уларнинг қўл остига ўтиб, рус тилидаги сўзлар қорақалпоқ эртақлари тилида ҳам *порым, паныс, кәт* каби шаклда учрайди. ...*Усы порымыма* бир тазы жолықса қашып қутылар едим-аў, - деди («Қудайды алдаған түлки», 229).

Диссертациянинг «**Қорақалпоқ эртақлари тилининг семантик хусусиятлари**» деб номланган иккинчи боби тўрт қисмдан иборат. «**Парадигматик муносабатдаги сўзлар**» деб номланган қисмида омоним ва кўп маъноли сўзлар, синоним, антонимларнинг маъно хусусиятлари ўрганилган.

Кўп маъноли сўзлар эртақларда сўз қўллаш имкониятининг кенг эканлигидан далолат беради. Патша алманы *аўзына* басайын дегенде, қызлар патшаның сақалынан тутып алып...көк тасқа айландырыпты («Гүлзәмзе», 43). Дәрўазаның ишинде бир қапы бар, сол қапының *аўзында* бир бәдбешер кара жылан ысқырып турады («Гүлзәмзе», 45). Мисоллардаги *аўыз* сўзининг кўп маънода ишлатилиши инсоннинг оламни билиши, тушуниши билан боғлиқ. Чунки уларнинг табиат ҳодисалари, нарса ва уларнинг номланиши ҳақидаги фикрлари қанча кенг бўлса, уларни номлаш имкониятлари ҳам шунча ошиб боради.

Омонимлар бир сўз туркуми, шунингдек турли сўз туркумлари доирасида пайдо бўлган: Қойшы *қабак* пенен суў тасый бередиди («Алдар көсениң хийлеси», 264). Уйқыламаса *қабак* жаман, ишпесе тамақ жаман, бир шуқыр жер болса таслайын, - деп бир жерге барса, алдынан бир бийик жер шыгады («Нәсийхат сатып алған бала», 279).

Эртақлар тилидаги синонимларнинг бир гуруҳи сўзларнинг кўп маънолилиги асосида ҳосил бўлган: Бир өзи кеткен жигит бир неше күн жол жүрип бир аўылга келсе, қыбырлаган жан жоқ, барлық жай-мүлк, *дүнья* – мал

¹⁷ Абдиназимов Ш., Даниярова З. Қарақалпақ фольклорындағы адам атлары. – Нөкис, 2016. – Б. 3.

ийесиз қалган («Машақатлы турмыс кеширген жигит», 19). Патша қызын хеш жарық *дүньяға* шыгармайды, тамга салып қоятуғын болыпты («Арпамәдиян», 92). Мисолларда *дүнья сўзи бойлик, ҳаёт, жаҳон, олам* маъноларини ифодалайди ва шу маънолари билан синонимик қаторни ҳосил қилади.

Эртақлар тилидаги антонимлар таркибида контекстуал антонимлар учрайди. Хаялы жигитке: «қыйналма, хәр бир истиң *басы қыйын* болса, *ақыбети жақсы* болады...» («Гүлзәмзе», 43). Елшилер келип айтты: -Хәй гөдек, *елмисең, жаўмысаң?...* («Өгей ана», 178). *Басы сўзи ақыбети, қыйын сўзи жақсы сўзи* билан, *ел* ва *жаў* сўзлари хам зид маъноларда қўлланган. Контекстуал антонимлар кўпинча кўчма маъно орқали ифодаланади.

Иккинчи бобнинг иккинчи қисмида эртақлар тилидаги «Фразеологизмлар» ўрганилган. Унда эртақлар тилидаги фразеологизмлар турли мақсадларда қўлланилган. Улардан бир гуруҳи фикрнинг образлигини таъминлашда ишлатилган бўлса, баъзилари қаҳрамон портретини тасвирлашда бадиий восита вазифасини бажарган. Улар орасида *ауыз, көз, қулақ, аяқ, қол, жүрек, бауыр, табан, тис, тил* сўзлари ёрдамида ҳосил бўлган турғун бирикмалар учрайди. Оның *ай десе аузы бар, күн десе көзи бар* бир таўланган сулыў қызы бар («Мурадына жеткен ашықлар», 29). Мисолда қизнинг гўзаллиги осмондаги ой ва куёшга тенглаштирилган. Инсон тана аъзолари номлари билан боглиқ фразеологизмлар диний тушунчаларда хам кузатилади: -Ўай берекет тапқыр *көзи ашық* екен гой өзи, - деп хәммесин мақтай берипти («Ақыллы қатын», 141).

Сўзлашув тили услубига хос фразеологик бирликларга кўпол маъноли, қарғишни ифодаловчи турғун бирикмалар хам мансуб. Өлгир қамшы, *тандыры шыққыр* қамшы, жоқ болғыр қамшы!, - деп қамшыны жерге ура береді («Бай менен жарлының қызы», 333).

Иккинчи бобнинг «Эскирган сўзлар» деб номланган учинчи қисмида эртақлар тилидаги архаизмлар ва тарихий сўзлар маънолари тўғрисида фикр юритилган. Касб-хунарни ифодаловчи эскирган сўзлар: Патша еки жаққа *пашшатты* қойып, өзиниң көпек ийтин ортага шыгарыпты («Хансаят», 218). Саят сунқарды гөшке тойдырып бир күн *қалтелик* қылып, түни менен таярланыпты («Хансаят», 218). Бул қандай айна екен деп барып *шершиниң* қолынан айнаны алып, жазыўын оқып көреді («Ақыллы қыз», 104). *Пашшан* – хоннинг ёнида хизмат қилувчи аскар (ҚТТС, Т.IV, 98), *қалте* - қушни тайёрлаб, овға ўргатувчи киши (ҚТТС, Т.III, 155), *шерши* - савдо қилувчи, сотувчи (ҚТТС, Т.IV, 572) (мисолда ойна, тароқ сотувчи маъносида) маъноларини англатади (ҚТТС,Т.III,41). Кийим-кечак билан боглиқ сўзлар:...Бастым да бүргени сойдым...

Майын майшыга бердим.

Терисин қолдан ийледим,

Алтмыш *аренде* болды,

Жетмиш *тәренде* болды («Бүрге менен гүрес», 205). Мисоллардаги «*әренде*» этик, *тәренде* - маҳси маъноларини билдиради¹⁸.

Эртақлар тилида архаизмлар тарихий сўзларга нисбатан унча кўп эмас. Масалан: *дәст* (105) – кўл; *әл* (358) – кўл; *бенде* (196) – тутқун; *буғау* (23) - кишан, занжир; *липас* (50) – кийим; *сағым* (59) - нур, шуъла; *ләбиз ашыу* (62) - онт ичмоқ; *шаҳәр* (64) – қала; *арыз* (66) – ариза; *лаш* (74) - ўлик тана; *ҳамир* (85) – буйруқ; *бәзим* (96) - ўйин-завқ; *тәсил* (96) – усул; *урьс хәнери* (121) - уруш усули; *туу* (123) – байроқ; *серт* (183) – ваъда; *тән* (185) – тана; *мәўлет* (193) - мударат ва ҳоказо бирликлар ишлатилган.

Иккинчи бобнинг тўртинчи қисми «**Қўлланиш доирасига кўра функционал-чегараланган сўзлар**» деб номланиб, мазкур қисм эртақлардаги огзаки сўзлашув тилига оид сўзлар, диалектал ва касб-хунар сўзлари, вульгаризм, табу ва эвфемизмларни ўрганишга бағишланган. Огзаки сўзлашув тилига оид сўзлар, масалан, Абат бир бўйирлеп отырып *тамақты урып алды* («Абат батыр», 7). ...киши баласы алдына жарманы алып, бир өзи барлығын ишип *заңқ қойды* («Түс көрип қуўылган бала», 351). Бул сол периниң патшасына *тартты* («Қыран», 10). Бурынғы өткен заманда бир аўылда *қуртақандай* гана Қулақ деген бала болыпты («Қулақ», 396). Бундан ташқари эртақлар тилида *жиписки* (361) – игво; *көзи ләкет* (237) - кўзи яхши кўрмайдиган; *өмиралла* (149) – умуман; *ирәс* (443) - хезланиб, *қаламасын* (370) - қолган қисмини; *уўсыйқы* (362) - нопок, ярамас, *нәтинде* (129) - жуда бұлмаганда; *түке* (415) – тулки; *қасекең* (484) – қашқир; *елиет* (357) – элат; *пыйғалы* (173) - хулқ-атвори; *уққынсыз* (9) - хунук; *ылғый* (46) - бутун, бари каби огзаки сўзлашув тилига оид сўзлар қўлланилган.

Диалектал сўзлар: *Жасқа* – дарё, ариқ, канал ёқасидаги тушиш ва чиқиш учун қулай жой, йўлак маъносини ифодалайди (ҚТТС, Т. II. 184). Бул таўдан өтиўге ҳеш *жасқа* жоқ... («Гүлбүлбүл», 37). *Жасқа* тоғ оша ўтишга мўлжалланган қулай жой маъносини ифодалаш мақсадида қўлланилган. Қонлиқўл шевасида ариқ ёки каналдан сув олиш учун махсус ишланган жой маъносини ҳам билдиради¹⁹. Алдымызда Жуўсанлы деген таў бар, соған барып дем алып *дыйланып* кележақпан («Ийесинен шийиткиген ешек», 423-б.). *Дыйланыу* – қибла диалектга хос сўз бўлиб, адабий тилда семириш маъносини билдиради.

Эртақлар тилида бир неча касблар билан боглиқ бирликлар қўлланилган. Дехқончилик касбига оид: Қудай да ақмақ екен-аў, мен оган тарыны қайдан таўып беремен. *Шығырдан еккен* тары бар ма, я *аяқ жерим* бар ма? («Қудайды алдаган түлки», 229). Патша көп жерлерди аралап киятырса, бир байдың *намбарын* аўдарып атырган күнликшиниң үстинен шығады («Күнликши», 136). *Намбар* ерга тўкиладиган тўкин (гўнг) тўпланган жой, *аяқ жер* эса сув насоссиз, оёқ ёрдамида сув чиқариб сугориладиган ер,

¹⁸ Қарақалпақ фольклоры. – Нөкис, 1977. – Т. II. – Б. 205.

¹⁹ Шыназарова С. Қарақалпақистоннинг Қонлиқўл худудидаги қарақалпақларнинг нутқидаги хусусиятлари: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Нукус, 2009. – Б. 8.

шығыр жер чигир (чархпалак) ёрдамида суғориладиган ерга нисбатан ишлатилади²⁰.

Эртақлар тилида устачилик касбига оид куйидаги сўзлар учрайди: Қыз аманласпастан ғаррының қолына бир табактың ишине салып бир *егеу*, бир *тас қайрақ*, бир гәўхар тасты береді. Ғарры буның әспабын бер деп қыздан сорайды. Қыз ғаррыға бир *шөккиш*, бир *төс (санда)* береді («Ақыллы ғарры», 300). Мисоллардаги *егеу* – металлдан ишланган нарсаларни ўткирловчи, юпка ёки ингичка қилиб пардозловчи, ҳар хил қиррали, қумқоғозли қурол, асбоб; *тас қайрақ* – кесувчи асбобларнинг тиғини ўткир қилиш учун ишлатиладиган, одатда, узунчоқ ва япалоқроқ силлик ёки махсус ишланган тош; *шөккиш* - бирор нарсени қоқиш, уриш учун ишлатиладиган қурол; *төс (санда)* – темирчилик қуроли номи, темирчи устахонасидаги темирни устига қўйиб ишлов бериладиган буюм, ёстикқа ўхшаш ёғоч²¹ маъноларини билдиради. Тўқимачиликка оид *тилте* (482), *келеп* (482), *сабау* (482), *уришық* (311) каби касб-хунар сўзлари фаол қўлланган. Шунингдек, касб-хунар номларини билдирувчи *сәрўанишы* (336), *қумбызышы* (374), *қаўыншы* (441), *қақпаншы* (482), *шойыншы уста* (483), *шерши* (104), *тәўип* (355), *сырнайшы* (130), *гернайшы* (130), *саят* (131), *дарғашы* (43), *үйши* (411), *мурақор* (359), *қалпе* (104), *сүүретши* (43) ва бошқа бирликлар ишлатилган.

Халқ эртақлари оғзаки ижод намунаси бўлганлиги боис унинг тилида кўпол ва маданиятсиз сўзлар, қарғишларни учратиш мумкин. Бундай сўзлардан эртақлар тилида қахрамонлар характери, улар яшаган муҳит, уларнинг маданий даражасини тасвирлаш учун фойдаланилган: Усыны еситкен бай: - *Үйиң күйгир* қыз! Қәне, сениң халыңды бир көрейин, - депти («Жаксы хаял», 291). Патша урыларға ғәзеп пенен: -*Хәй нәлет болғырлар*, «ийт семирсе ийесин тислейди» деген... («Үш урының әнгимеси», 294). -*Ўах, атаңа нәлет*, сондай жигитке тек ғана бес жүз теңге беремен дейди я?-депти («Өнерли жигит», 296). - Сен адам болмайсаң *нәлет болғыр!*, - деп қудайбийзар қылып жигитти елден шығарып жиберди («Нәсиятка садык бала», 371). Эртақлар тилида учрайдиган табу сўзларнинг бир қисми инсонларнинг диний эътиқоди билан боғлиқ бўлиб, улар *күз тегади* деган тушунча билан фарзандли бўлганлигини бошқа сўзлар воситасида ифодалаган. ...*қуйрықлы болдым* деп үш күн той берип... («Сур жылан», 136). *Зинданга түсти*, *зинданбәнт етилди* деган сўзни бевосита айтишдан чўчиб, табу орқали ифодалаган: Хан гүнәкар қылғанда, *Ақ үзикли* қылғанда... («Үш нәсият», 381).

Эвфемизмлар халқнинг маданиятли мулоқатининг намуналари хисобланади. Өкеси менен ағаларына *жолдан тауып алған* инисиниң ақыллылығын, оның өзін қутқарып қалғанлығын айтады («Ата хәм қаналас балалар», 217). ...бала байға *ўәкил бала* болып жүре берипти («Мәлийка хәм жетим бала», 42). Бул бир *ҳаялымның жорасы* екен... («Бүгинги ашыуыңды

²⁰ Насыров Д.С., Доспанов О.Д. Қарақалпақ диалектологиясы. – Нөкис, 1995. – Б. 182.

²¹ Алламуратов А., Доспанов О., Тилеумуратов Г. Қарақалпақша көркем өнер атамаларының сөзлиги. – Нөкис, 1991. – Б. 49.

ертеңге калдыр», 370). Бу мисолларда: *жолдан тауып алган* - ўғай, *ўзқил бала* – асранди бола, *ҳаялымның жорасы* – жазман каби маъноларни билдиради.

